

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Хакимов Рашид**

**Ўзбекистон Республикаси  
чорвачилик маҳсулотлари  
бозори ва тармоқда иқтисодий  
ислоҳотларни чуқурлаштириш  
йўналишлари**

Тошкент – 2005

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УШШ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧОРВАЧИЛИК  
МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИ ВА ТАРМОҚДА  
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ**


**Тошкент -2005**

636  
X-20

Тақризчилар: И.ф.д., проф. Юсупов Эркин  
Қ.х.ф.н. Норинов Ўрол

Масъул муҳаррир и.ф.д. проф. Абиркулов Қ.

Ушбу монографияда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида олиб боилган иқтисодий ислохотларнинг натижалари, республикада чорвачилик маҳсулотлари бозорининг шаклланиши ва амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бозор шакллари ва уларнинг имкониятларини юксалтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган. Монографияда чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашнинг иқтисодий муаммоларига, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш тизимларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техника дастурларининг П-247 “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари” лойиҳаси асосида бажарилди.



## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган биригчи кунларданок мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилишга киришди. Мамлакат ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини мустақил ривожлантириш стратегиясида асосий ўрин инсон манфаатларига қаратилди. Мавжуд масалаларни ҳал этиш ва ривожлантиришда инсоннинг эҳтиёжлари, талаблари ва уларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш йўлини тутди. Давлат, жамов ва шахсий манфаатлар ичида инсон манфаатларига устиворлик берилди. Ушбу устиворлик энг аввало иқтисодиётни устун даражада ривожлантириш концепциясини яратилишига сабаб бўлди.

Мустақилликгача мамлакат иқтисодиёти устун даражада бир томонлама ривожлантирилган эди. Аҳолининг турмуш даражаси нисбатан паст даражада, жуда катта иқтисодий ва ижтимоий муаммолар вужудга келган ва уларни ечимини топишда энг аввало аҳолининг манфаатларини ҳисобга олиш зарур эди.

Республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди. 2004 йилда мамлакат аҳолисининг 61,4 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилган. Бундан ташқари республика аҳолисининг катта қисми нисбатан ёшларни ташкил этади. Бу ҳолат мамлакатда мураккаб ижтимоий муаммоларни юзага келтиради. Жумладан, аҳолининг турмуш шароитларини юксалтириш, тез суръатлар билан ўсиб келаётган ёш меҳнат ресурслари учун қўшимча иш жойларини ташкил этиш муаммолари ўз оптимал ечимларини талаб қилади. Ушбу иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этиш мамлакат иқтисодиётида катта таркибий ўзгаришларни талаб қилди. Маълумки иқтисодиётда таркибий ўзгаришни амалга ошириш, бир тизимда ишлашга мослаштирилган йирик хўжаликларни янги бозор шароитларида фаолият кўрсатишга мослаштириш жуда мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Бу ўзгаришларни тарихан жуда қисқа вақт ичида бажариш эса муаммонинг мураккаблигини янада оширади. Шундай шароитда мамлакат Президенти иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу масалаларни ҳал этишда алоҳида эътибор мамлакат қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг асосий тармоғи бўлганлиги сабабли олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан шу тармоқдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. 1991 йилида мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 36,7 фоиз эди. Олиб борилган ислохотлар

натижасида ушбу кўрсаткич нисбатан камайиб борди ва 2004 йилда 26,8 фоизни ташкил этди. Албатта бу ижобий ҳолат ҳисобланиб 2010 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19-21 фоиз даражасида бўлишига эришиш мўлжалланмоқда. Ривожланган давлатларнинг кўпчилигида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотдаги улуши 2-5 фоиздан ошмайди. Мамлакат ялпи маҳсулоти ўсиб борган бир пайтда унинг таркибида қишлоқ хўжалигининг улушининг пасайиб бориши иқтисодийнинг ўсиб бораётганидан ҳамда мамлакатнинг индустриал давлатга айланаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида чорвачилик тармоқининг ўрни катта. Республика чорвачилик тармоғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 46-48 фоизи ишлаб чиқарилади. Мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакат чорвачилик тармоғида катта ўзгаришлар юз берди. Чорва моллари йирик ишлаб чиқариш корхоналарида кескин камайиб асосан деҳқон ва қисман фермер хўжаликларида кўпайтирилди. 2004 йилда мамлакатда ишлаб чиқарилган гўштнинг 91,1 фоизи, сутнинг 93,6 фоизи ва тухумнинг 89,4 фоизи деҳқон хўжаликларида етиштирилди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг нисбатан янги шакли бўлган фермер хўжалиklarининг ҳам чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўсиб бормоқда. 2000 йилда фермер хўжаликларида 198,1 минг бош қорамол, 195,8 минг бош қўй ва эчкилар, 423,7 минг бош парранда бўлиб, улар томонидан 11,0 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 54,1 минг тонна сут ва 12,0 млн. дона тухум ишлаб чиқарилган. 2004 йилга келиб фермер хўжаликларида 309,9 минг бош қорамол, 419,6 минг бош қўй ва эчкилар ҳамда 766,6 минг бош парранда бўлиб, улар томонидан 22,1 минг тонна гўшт, 88,8 минг тонна сут ва 77,4 млн. дона тухум етиштирилди. 2004 йилда фермер хўжалиklarининг чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши гўшт бўйича 2,2 фоизни сут бўйича 2,1 фоизни ва тухум бўйича 4,2 фоизни ташкил этди. Характерли томони шундаги бизнинг фикримизча, келажакда фермер хўжаликлари ва йирик хусусий чорвачилик фермаларининг аҳамияти ошиб боради. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бу ўзгаришлар ўз навбатида қатор янги муаммоларни келтириб чиқаради. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалиklarнинг оптимал ҳажми қандай бўлиши керак, улар томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиш каналлари қай тартибда ривожлантирилиши лозим, чорвачилик тармоғини ем-хашак базасини қандай ташкил этиш, қайта ишлаш корханалари билан чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчилар ўртасидаги

муносабатлар қай тартибда ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ каби муаммолар шулар жумласига киради. Бу муаммолар бозор муносабатлари шароитида ўз ечимини ва илмий асосланган хулоса ва таклифларни кутади.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси чорвачилик маҳсулотлари бозорининг амал қилиш муаммолари, чорвачилик тармоғида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланади. Монографияда келтирилган фикрлар мутлоқ ҳақиқат деган ёндашувдан йироқмиз. Аммо унда кўтарилган масалалар республика чорвачилигини янада ривожлантиришга, ушбу соҳадаги илмий мунозараларни янада жонлантиришга хизмат қилади деган фикрдамиз. Монографияда кўтарилган масалалар юзасидан бериладиган таклиф ва мулоҳазаларни муаллиф мамнуният билан қабул қилади.

## **I-Боб. Республика чорвачилик бозорининг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

### **1.1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар натижалари ва чорвачиликни ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволи**

Мамлакатда, жумладан, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан чорвачилик тармоғининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Чунки қишлоқ хўжалигини йирик тармоғи бўлган мамлакатимиз учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этган соҳа бўлиб, у қуйидаги функцияларни бажаради:

- мамлакатмизнинг озиқ овқат фондиди шакллантиришда иштирок этади;
- юртимизнинг озиқ-овқат соҳадаги мустақиллигини таъминлашда қатнашади;
- чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат учун ҳам ашё етказиб беради;
- аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- аҳолининг турмуш даражасини кўтаради;
- ўсимликчилик тармоқларини ривожлантиришнинг ва тупроқнинг унумдорлигини оширишнинг асоси бўлиб, органик ўғит етказиб беради.

Чорвачилик Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади. Чорвачилик тармоғи аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда асосий ўринни эгаллайди. Чорвачилик маҳсулотлари оқсилга ва турли витамин, аминокислоталарга, инсон организми учун зарур бўлган қимматли микроэлементларга бойдир. Олимларнинг илмий хулосаларига кўра инсон ўз фаолиятини олиб бориши учун зарур бўлган энергиянинг 60 фоизидан кўпрогини чорвачилик маҳсулотлари истеъмол қилишдан олиши мақсадга мувофиқ экан. Чорвачилик тармоқларининг ривожланиши деҳқончиликнинг ривожини учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Олимларнинг аниқлашича ҳар қандай маданий экин тури ўз вегетация даврида ривожланиши ва маҳсулот бериши учун тупроқдан 34 хилдаги минерал ва элементларни олар экан. Биз эса шу элементларнинг фақатгина 3 турини ерга етарли даражада қайтариш имкониятига эгамиз. Яъни азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитларни ерга солиш йўли билан шу элементларнинг тупроқ таркибига камайиб кетишини олдини оламиз. Ўсимликларнинг ривожланиши ва юқори ҳосил бериши учун зарур

бўлган 31 хилдаги элемент ва минералларни эса интенсив қишлоқ хўжалиги юритиш шароитида тиклаш имкониятига эга эмасмиз. Узок йиллар давомида интенсив деҳқончилик қилиш тупрок унумдорлигининг пасайишига, тупроқда гумус моддасининг камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида деҳқончилик учун сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларнинг самарасининг пасайишига сабаб бўлади. Маълумотларга кўра 1991-2004 йиллар ичида республикада тупроқда мавжуд бўлган гумус моддаси 11 фоизга камайган. Бу ҳолатнинг олдини олишда чорвачиликнинг аҳамияти катта. Чорвачилиқдан олинадиган қўшимча маҳсулотда (гўнгда) ўсимликларнинг ривожланиши учун зарур бўлган элементларнинг деярли барчаси учрайди. Аграр соҳа олимларининг берган илмий тавсияларига кўра ҳар бир гектар ерга йилига 15-20 тонна миқдорда гўнг солиш тупроқнинг унумдорлигини оширади ва қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятини яратади. Ўзбекистон Республикасида 3,8 млн. гектар ерга суғорилиб деҳқончилик қилинишини ҳисобга олсак ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун 57 - 76 млн. тонна гўнг кераклигини кўраимиз. Бу миқдордаги гўнгни етиштириш учун республика қишлоқ хўжалигида 9,5 - 12,6 млн. бош шартли қорамол боқилиши керак бўлади. 2005 йилнинг 9 ойлик яқунлари маълумотлари асосида бизнинг ҳисобимизга кўра республикада мавжуд чорва ҳайвонларини шартли қорамолга айлантирилганда уларнинг сони 7,9 млн. бошни ташкил этади. Чорвачиликнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки тармоқ қишлоқ хўжалиги аҳолисини иш ўринлари билан таъминлайди. Аҳолининг даромад олиш манбаларидан бири ҳисобланади. Чорвачилик тармоғи маълум иқтисодий афзалликларга ҳам эга. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаги тармоқда йил давомида катта миқдорда харажатлар қилинади ва даромадлар асосан маҳсулотлар йиғиб олиниб сотилгандан (фьючерс шартномаси асосида сотилган ҳолдан бошқа шароитларда) кейингина шаклланади. Чорвачилик деҳқончиликдан фарқли ўлароқ йил давомида даромад олиш имконини беради. Юқоридагилардан кўриниб турибдики чорвачилик тармоқларининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жуда катта ва уни ривожлантириш аграр ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим ижобий ролни ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик ва чорвачилик тармоғидан ташкил топганлиги муносабати билан чорвачиликнинг ривожланишини умумий қишлоқ хўжалиги ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мамлакат иқтисодиётининг, қишлоқ



хўжалигининг тараққиёт даражаси маълум маънода чорвачилиқни ривожлантириш имкониятларини белгилайди. Маълумки Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиғи ҳисобланади. Республика қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни жудда катта. Республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми шу тармоқнинг улишига тўғри келади. 2004 йилда мамлакат жами ялпи ички маҳсулотининг 26,8 фоизи қишлоқ хўжалиғида яратилди. Мамлақатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган эркин ҳаракатдаги қаттиқ валюта тушумининг яримидан кўпроғи шу тармоқ маҳсулотларини экспорт қилишдан олинади. Аҳолининг 60 фоизидан ортиқроғи қишлоқ жойларда яшайди. Ҳалқимизнинг турмуш даражаси, инсон ресурсларининг катта бир қисмининг иш билан таъминланиши қишлоқ хўжалиғи билан боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган меҳнат ресурсларининг 28 фоиздан кўпроғи қишлоқ ва ўрмон хўжалиғида фаолият кўрсатади. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалиғига эътибор, айниқса кейинги мустақиллик йилларида, ҳақли равишда катта бўлмоқда.

1-жадвал

Республика қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

№	Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
1.	Қишлоқ хўжалиғи ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи, %	30,4	30	30,6	28,6	26,8
2.	Қишлоқ хўжалиғи ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати, %	103,2	104,5	106,1	107,3	110,1
3.	Пахта толаси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ялпи экспортдаги салмоғи, %	32,9	25,9	25,9	22,5	21,9
4.	Қишлоқ хўжалиғи меҳнат ресурсларининг салмоғи, %	29,7	29,6	29,1	28,3	28,4


Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики қишлоқ хўжалиғи Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг йирик тармоғи

ҳисобланиб, ялпи маҳсулотда унинг улуши камайиб бормоқда. Бу борада шунини таъкидлаш лозимки 2000-2004 йилларда республика қишлоқ хўжалигида барқарор ўсиш юз берди. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг, транспорт, қурилиш ва хизмат кўрсатиш тизимининг нисбатан тез ривожланиб бориши туфайлигина қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайган. Бу ижобий жараён ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиёти жадал ўсиб борган сари унда қишлоқ хўжалигининг улуши камайиб боради. Натижада ривожланган саноатлашган, хизмат кўрсатиш соҳалари тараққий топган мамлакатга айланишимиз таъминланади. Мамлакат иқтисодиётини 2010 йилгача ривожлантириш истиқболларида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 19-21 фоиз бўлишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Қишлоқ хўжалигининг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 30,4 фоиз бўлиб 2004 йилда бу кўрсаткичнинг 26,8 фоизга тушганлиги 2010 йил учун белгиланган вазифанинг самарали амалга ошаётганлигини кўрсатади. Бу борада шунини таъкидлаш лозимки қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулоти йилдан йилга абсолют ўсиб борган ҳолда унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини камайтириш мақбул йўл ҳисобланади ва бунинг учун чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли аграр сиёсат Республика иқтисодий сиёсатининг энг муҳим бўғини ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғида пахта, донли экинлар (асосан бугдой), картошка, сабзавот, полиз, тамаки, ем-хашак экинлари, ўсимлик ёғи берадиган экинлар (масхар, кунгабоқар), боғдорчилик ва узумчиликдан, қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, паррандачилик, отчилик (йилқиччилик), қуёнчилик, туячилик, чўчқаччилик тармоқлари шаклланган ва ривожланган. Бундан ташқари республика қишлоқ хўжалигида пиллачилик, асалариччилик ва балиқчилик соҳалари ҳам яхши ривожланиб келмоқда. Республика қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик ва чорваччилик тармоқларининг мутоносиб ривожланиб келаётгани ижобий ҳол бўлиб истиқболга ҳам бу нисбатни сақлаб қолиш лозим деб ҳисоблаймиз. Айниқса қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотда чорваччиликнинг улушини кескин кмайтиришга йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ. Узоқ йиллик истиқболда чорваччиликнинг улушини янада ошириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби, (% да)



Ўзбекистон Республикаси давлат статистика маълумотлари асосида муаллифнинг ишланмаси

Ўрганилаётган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида катта ўзгаришлар юз бермаган. 2000 йилда ўсимликчилик тармоғининг улуши 52,6 фоиз бўлган бўлса 2004 йилга келиб 53,7 фоизни ташкил этган ёки 1,1 пунктга ошган. Шу йилларда чорвачилик маҳсулотларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотдаги улуши 47,4 фоиздан 46,3 фоизга тушиб қолган. Бунинг асосий сабаби 2004 йил қишлоқ хўжалиги учун жуда қулай келиши сабабли ўсимликчилик тармоғи ялпи маҳсулотининг чорвачилик ялпи маҳсулотининг ўсишидан тез суръатларда бўлганлигидадир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жуда кўплаб кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ечиш ҳаётий зарурат, биринчи даражали вазифа сифатида объектив равишда юзага чиқди. Бу вазифаларни ижобий ҳал этиш давлат томонидан пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқишни ва унинг асосида ислохотларни амалга оширишни талаб қилди. Энг аввало аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат масаласини ижобий ҳал этиш керак бўлди. Мустақил Республика қишлоқ хўжалиги давлат мулкчилигига асосланган асосан пахта етиштиришга ихтисослашган йирик хўжаликлардан (совхоз ва колхозлардан) ҳамда аҳолининг ёрдамчи хўжаликларидан иборат эди. 1940 йилда 81 та совхозлар бўлган бўлса 1990 йилга уланинг сони

1034 тага етди. Шу йилларда колхозлар мос равишда 1106 та ва 855 тапи ташкил этди. Йирик хўжаликлар юкори органлар томонидан тасдиқланган режа асосида фаолият юритар, уларни моддий ресурслар билан таъминлаш марказлашган ҳолда олиб борилар эди. Йирик хўжаликларни бошқариш харажатлари ҳам катта бўлиб уларнинг энг асосий камчилиги ўз ишлаб чиқариш йўналишини тезда ўзгартира олмас эди. Масалан, пахта ишлаб чиқариш учун ихтисослашган хўжаликнинг барча техникалари асосан пахтачилик учун мўлжалланган бўлиб дон ёки сабзавотчилик учун деярли мос келмас, қолаверса уруғлик, минерал ўғит, ёқилги мойлаш материаллари билан таъминлашни бир мавсумда ўзгаритиш имкони йўқ эди. Йирик хўжаликларни техника ва моддий ресурслар билан таъминлайдиган кўплаб соҳалар бошқа республикаларда жойлашган эди. Мустақил давлатларнинг вужудга келиши ягона бир тизимга айланган иқтисоднинг барбод бўлишига олиб келди. Республика худудида жойлашган завод ва фабрикаларнинг аксарият қисмининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Шундай ҳолда шўролар даврида махсус шароит ва тамойиллар асосида ташкил топган йирик хўжаликларни сақлаб қолиш ва уларнинг фаолиятини давом эттириш имкониятлари кескин пасайди, кейинчалик эса деярли мумкин бўлмай қолди.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб Президентимиз И.Каримов томонидан мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, жумладан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг концепциялари ишлаб чиқилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш устивор йўналиш сифатида белгиланди ва энг аввало чуқур ислохотлар қишлоқ хўжалигида амалга оширила бошланди. Натижада пахта яккахокимлигига барҳам берилиб ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида сайи харикатлар қилинди ва тарихан қисқа муддат ичида ушбу мақсадга эришилди. 1996 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат учун зарур бўлган ғалла мустақиллигига эришди. Олиб борилган режали ишлар натижасида тармоқда маълум ижобий ютуқларга эришилди. Уларни умумий ҳолда қуйидагича белгилаш мумкин.

Биринчидан, мамлакат иқтисодиёти, жумладан, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар бозор иқтисодиёти талаблари шароитида фаолият кўрсатишлари учун керакли ҳуқуқий асос яратилди. Тарихан қисқа даврда умуман иқтисодиётга тегишли 100 дан ортик қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фермер хўжалиги тўғрисида, Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат

хўжалиги) тўғрисида, Деҳқон хўжалиги тўғрисида, Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш тўғрисида каби қишлоқ хўжалиги тармоғига оид қатор қонунларни киритиш мумкин. Мустақиллик йилларида бевосита қишлоқ хўжалигига оид 140 дан ортиқ Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди ҳамда турли меъёрий хўжатлар ишлаб чиқилди. Бу қонун ва меъёрий ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг хатти – ҳаракатларини белгилаб беради. Натижада қонун доирасида иқтисодий муносабатларни таркиб топтириш имкони яратилди. Қишлоқ хўжалигида бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик, иқтисодий ва социал психологик усулларида фойдаланилганда қонунга асосланиш имконияти яратилди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида, жумладан чорвачилик тармоғида ҳам амалда кўп укладли иқтисод таркиб топди. Бозор иқтисодиёти қонуниятлари талабига кўра олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида, турли мулкчиликга асосланган хўжалик юритувчи субъектлар вужудга келди.

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигида 510 та ширкатлар, 55 та давлат, 135 мингдан кўпроқ фермер хўжаликлари, 564 та хусусий чорвачилик фермалари ва 4481,7 мингта деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатиб турибди. 2000 йилда қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотнинг 98,4% фоизи нодавлат мулк шаклига асосланган хўжаликлар ҳиссасига тўғри келди. 2004 йил маълумотларига кўра қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 59,7 фоизи аҳолининг деҳқон, 20,4 фоизи фермер ва 19,9 фоизи йирик ширкат ҳамда давлат хўжаликларида яратилди. Хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликлари мустақамланиб, кучайиб бормоқда. Агарда 1995 йилда бир фермер хўжалигига 10,4 гектар ер тўғри келган бўлса 2004 йилда бу кўрсаткич 28,2 гектарни ташкил этди ёки 2,7 маротаба катталашган.

Учинчидан, бозор иқтисодиётида ривожланишни таъминловчи турт омилдан бири, ишбилармонлик, ўз ўрнини топа бошлади. Қишлоқ хўжалигида 135 мингдан кўпроқ фермер, 4481,7 минг деҳқон хўжаликларининг ва 564 та хусусий чорвачилик фермалари ҳамда минглаб қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ва унинг маҳсулотларини қайта ишлайдиган хусусий кичик қорхоналари шаклланди. Натижада қишлоқда кичик тадбиркорлик субъектлари сони ортиб уларнинг иқтисоддаги улуши кўпайиб бормоқда. Агарда 2000 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорликнинг улуши 71,4 фоиз бўлган бўлса 2003 йилда бу кўрсаткич 78,1 фоизга, 2004 йилда эса 80,9 фоизга етган.

Тўртинчидан, бугунги кун ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритишнинг янги механизми ишлаб чиқилди ва тадбиқ қилинди. Мустақилликнинг дастлабки даврларида хўжаликнинг минерал ўғитларга, ёқилғи мойлаш материалларига, электр энергиясига ҳамда иш ҳақиға бўлган талабини қондириш учун олинадиган қисми учун ҳисоб – китоблар махсус счот орқали амалға оширилдиган қилинди. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналарини техника, ёқилғи – мойлаш материаллари, электр энергияси, минерал ўғитлар билан йил давомида узлуксиз таъминлаб туриш имконияти яратилди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари баҳо паритетининг ўзгариши ўзгача йўл тутиш имконини бермайдиган бир пайтда амалдаги механизм ўзининг ижобий родини ўйнади. Бу механизм бир қанча афзалликларға эға. Биринчидан, барча қишлоқ хўжалик корхоналарини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун керакли бўлган моддий ресурслар билан таъминлаш имконини берди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигига минерал ўғит, ёқилғи – мойлаш материаллари, электр энергияси ишлаб чиқарадиган ва етказиб берадиган тармоқларни гарантияланган ҳолда ўз махсулотлари учун ҳақ олишини таъминлади. Учинчидан, инфляцияни кучайишиға йўл қўймайдиган катта макроиктисодий аҳамиятға эға бўлди. Чунки бу механизм бўйича молиявий ресурсларни турли йўллар билан нақд пулга айлантириш имконияти йўққа чиқарилди. Албатта бу механизм маълум камчиликларға ҳам эға. Энг асосий камчилиги хўжаликларнинг моддий манфаатдорлик ва жавбгарлигини қисман сусайтирди. Соғлом рақобатни кучини камайтирди, айрим ҳолларда йўққа чиқаради. Бу механизм иқтисодий камқувват ёки зарар билан ишлайдиган корхоналар учун фойдали, яхши ишлаётган ва катта самара олаётган хўжаликлар учун эса аксинча. Умуман қишлоқ хўжалиги тармогининг манфаати учун яхши бўлган бу механизм бўйича иқтисодий бақувват, катта фойда оладиган хўжаликларнинг ўзи ишлаб топган маблағларидан самарали фойдаланиш имконини сусайтирди. Натижада яхши ва ёмон фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари маълум даражада бир хил шароитға (ҳолатға) қўйилди. Бу ўз навбатида яхши ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида самарадорликни янада ошириш учун манфаатдорликни сусайтиради. Ресурсларни тежашға қаратилган механизмни яратиш бу схемада ўз ифодасини топмаёпти. Шу сабабли республика ҳукумати бу камчиликларни вақтинчалик юмшатиш имкониятини қидириб топди. Маъданли ўғит, ёқилғи – мойлаш материаллари, электр энергияси етказиб берувчи соҳалардан ҳамда иш ҳақидан қарзи бўлмаган иқтисодий бақувват қишлоқ хўжалиги

корхоналарини мавжуд схемадан чиқариб уларнинг маблағларини ўзларининг ҳисоб рақамларига тушириб бериш мақсадга мувофиқ деб топилди. 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз жорий ҳаражатлари учун зарур маблағни банклардан кредит тариқасида оладиган бўлди. Бу самарали ишлашга қизиқишни кучайтишига, ишлаб чиқаришни фойда билан яқунлашга интилувчи корхоналарнинг кўпайишига олиб келади.

Бешинчидан, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди. Тарихан қисқа даврда ғалла мустақилчилигига эришилди. Агарда 1990 йилда 1808,2 минг тонна дон ишлаб чиқарилган бўлса бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 4,1 млн. тоннани ташкил этди. 1990 йилда жами донда бўғдойнинг салмоғи 32,7 фоизни ёки 592,2 минг тоннани ташкил этган бўлса 2000 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос ҳолда 82,9 фоизни ва 3,4 млн. тоннани ташкил этди. 2004 йилда 6017,1 минг тонна дон, шундан 5502,5 минг тонна бўғдой ишлаб чиқарилди. Пахта ишлаб чиқариш 3,5 млн. тоннадан ошиб кетди.

Аҳолига томорқа ерларининг берилиши уларнинг турмуш шароитини ёмонлашиб кетишига йўл қўймади. Мустақиллик йилларида аҳолига 682,5 минг гектардан ортиқроқ ер уй – жой қуриш ва томорқа учун берилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулот турларининг 60-85 фоизига яқини деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда.

Олтинчидан, қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув ва газ билан таъминланиш даражаси кескин ошиб бормоқда. 2000 йилда қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 67,8 фоизга, газ билан таъминланиши 56,7 фоизга етди. 2004 йилга келиб аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланиши 83,0 фоизга, табиий газ билан таъминланиш даажаси 81,0 фоизга етди. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда мактаб ва мактабгача бўлган муассасалар, соғлиқни сақлаш тизимига тегишли поликлиника, шифохоналар ва кўплаб спорт иншоатлари қурилди. Албатта бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Ечимини қутаётган муаммолар мавжуд. Бу тўхтовсиз жараён бўлиб доимо ривожлантирилиб борлади. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга олиб келмоқда.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалиги ички ва ташқи бозор талабларига тез мослашадиган бўлди. Масалан бир йилнинг ўзида пахта майдони кўпайиб, бошқа экин майдонлари қисқариши юз бермоқда. Мустақилликкача бу жараёнларни орзу қилиш мумкин эмас эди.

Саккизинчидан, бизнинг фикримизча мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг энг муҳими аҳолининг дунёқараши иқтисодий қонуниятлар талабида ўзгариб бораётганлигидадир. Аҳолининг, жумладан, қишлоқ аҳолисининг асосий қисми қийинчилик билан бўлсада боқимандачилик кайфиятидан халос бўлмоқда.

Тўккизинчидан, қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатадиган инфратизилмани ривожлантирмасдан, ислохотлардан кўзда тутилган натижаларга эришиш мумкин эмаслигини англаб, бу соҳа имкон даражасида ривожлантирилмоқда. Натижада “Ўзагролизинг” лизинг компанияси, “Ўздавпахтасаноатсотиш” уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази, “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” холдинг компанияси, “Ўзагрокимётаъминот” бирлашмаси, “Ўзагросуғурта” компанияси, ихтисослашган тижорат банклари каби хизмат кўрсатувчи тизим ташкил этилди. Амалга оширилаётган муҳим ишлардан яна бири уруғчиликни яхшилашга жуда катта эътибор берилаётганидир. Айниқса, пахтачиликда уруғчиликни ривожлантириш мақсадида хорижий мутахассислар ва ҳамкорлар билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қошида пахта лойиҳалари бўйича махсус агентлик фаолият кўрсатмоқда. Бугдўйнинг янги серҳосил “Карлик 85”, “Добрая” навлари синовдан ўтмоқда. Даслабки 3 йиллик синов натижаларига кўра улар ҳосилдорлиги, сифати жиҳатидан ҳозирги районлаштирилган бугдўй навларига қараганда 15-20 фоизга юқори. Пилланинг Япония, Жағубий Қуриядан сермахсул уруғлари олиб келиниб кўпайтирилмоқда. Ер ресурсларнинг чекланганлиги, турли сабабларга кўра аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг камайиб бориши соҳани интенсив ривожлантиришни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш унинг моддий техника таъминотини, экинларнинг серҳосил навлари ва сермахсул зотли чорва молларининг бўлишини, маъданли ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминланишини яхши бўлишни талаб қилади. Шу мақсадда мамлакатимизга, ўз соҳаси бўйича, дунёнинг энг нуффузли компания ва корпорацияларининг универсал ва махсус қишлоқ хўжалиги техникалари кириб келмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида катта иқтисодий салоҳият (имкониятлар) вужудга келтирилмоқда. Эндиги вазифа қишлоқ хўжалигининг иқтисодий қувватини янада ошира борган ҳолда унинг мавжуд имкониятларидан максимал фойдаланишдир.